

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕР УСУЛИ

Жамолова Феруза Эркиновна

Қарақалпогистон Давлат Университети Иқтисодиёт факультети
Иқтисодиёт йўналиши магистратура бўлими 1-босқич талабаси

Ушбу тезисда қишлоқ хўжалигини кластер ёндашуви асосида ривожлантиришининг аҳамияти кўрсатилган бўлиб ва унинг афзалликлари ёритиб ўтилган.

Таянч сўзлар: кластер, кластерли ёндашув, агрокластер, афзалликлар

Иқтисодий фан олдида иқтисодий ўсишнинг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлайдиган ва барча даражаларда рақобатбардошлигни оширадиган сиёсатни амалга ошириш учун зарур булган ёндашувлар, механизмлар ва тамойилларни билиш, тавсифлаш ва ишлаб чиқиш вазифаси турибди.

Шу маънода инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи соҳа қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғидаги барча йўналишлар фаолиятини уйғунлаштириш, яъни маҳсулот етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатлар тизимини агробизнесни ташкил этишнинг янги замонавий усули, яъни қайта ишлаш саноати корхоналари билан бирга кластерли ёндашув асосида ривожлантириш юзага келди. Бунда маҳсулот етиштиришдан то уни тайёр маҳсулот кўринишига келгунига қадар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи корхоналар бир тизимга бирлашиши ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилиши туфайли маҳсулот рақобатбардошлиги оширилиб жаҳон бозорига чиқиш имкониятини беради.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва уни сотиш билан боғлиқ жараёнларда бир мунча муаммо ва камчиликлар яъни маҳсулот етиштиришда замонавий технологияларни ўз фаолиятида қўллаш учун маҳсулот етиштирувчининг якка ўзида маблағ етишмаслиги, янги ишлаб чиқилган инновацияларни тўғридан тўғри амалий татбиқ этилишининг кечиктирилиши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун хом-ашё базасининг етишмаслиги улар фаолиятининг самарадорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида ҳам таъкидланди: « тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо

"INTEGRATION, EVOLUTION, MODERNIZATION: WAYS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION"

қониқтиrmайди. Иқтисодиётимиз ривожини ,аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий қилиб , фермер ва деҳқон хўжаликлари манфаатдорлигини оширмас эканмиз , биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди»¹

Хорижий иқтисодчи олимларнинг хulosаларига қўра иқтисодиётнинг глобаллашуви ва рақобат курашининг кескинлашуви тезлашган ҳозирги шароитда иқтисодиётни кластер ёндашуви асосида ташкил этаётган минтақа ва ҳудудлар иқтисодий ривожланишда олдинги ўринга чиқиб олмоқдалар.

«Кластер» атамаси иқтисодиётга 20-асрнинг 80- йилларида америкалик иқтисодчи олим М.Портер томонидан киритилган бўлиб , унинг фикрича кластер- маълум соҳада фаолият кўрсатаётган компания ва институтларнинг географик жиҳатдан тармоқлараро бирлашуви ҳисобланади.²

Агрокластерлар қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат соҳасидаги субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тадбиркорлик асосида бирлаштириш орқали ташкил этилишини ўзининг иқтисодий мазмунига қўра ифодалайди.Жумладан, А.В.Глотка агрокластерларга қуйидагича таъриф беради: «агросаноат мажмуидаги тадбиркорлик агрокластери- ушбу тизимда маълум даражада ўзаро алоқа қилиш маданиятига эга бўлган боғлиқлик билан, иштирокчиларнинг умумий иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи ва технологик занжир тамойили асосида ташкил этилган ҳудудий жиҳатдан алоҳида инновацион йўналтирилган интеграцион тузилма»³

Агрокластерларнинг ташкил этилиши қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат соҳасидаги субъектларнинг бирлашувини келтириб чиқариши натижасида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда уни қайта ишловчи корхоналарнинг иқтисодий томондан ўзаро манфаатли муносабатларни шакллантиради яъни юқорида айтиб ўтилган муаммолар бартараф бўлишига олиб келади чунки маҳсулот ишлаб чиқарувчи якка ўзининг маблаги етмаётган агротехник тадбирларни биргалашиб амалга оширади бунинг натижасида тайёр

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси/2020й

² Портер M. Clusters and the new Economics of Competition/ 1998 Harvard Business Review

³ Глотко А.В. Инновационно-кластерная развития АПК.Материалы межрегион .научно-прак. конф. с междунар. Участием «Проблемы и перспективы государственно-правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации» 3-4 октября 2008 г. ,Горно-Алтайский, РИО ГАГ.-с.104

"INTEGRATION, EVOLUTION, MODERNIZATION: WAYS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION"

маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона сифатли ҳамда доимий хом –ашё базасига эга бўлади бундан ташқари агрокластерлар илмий институтларни ҳам ўз ичига олганлиги туфайли уларда янги яратилаётган илмий янгиликларни тўғридан тўғри амалиётга қўллаш орқали инновацияни қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат соҳасига кириб келиши тезлашади

Булардан ташқари агрокластерларнинг ташкил этилиши ва улар фаолиятининг ривожланиши қўйидаги афзаллик ва устунликларни юзага келтиради:

-агрокластерлар замонавий агротехнологияларни қўллаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, уни экспорт қилиш орқали ташқи савдога чиқиш имконини беради ҳамда импорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулотни ички бозорга етказиб беришга имкон беради;

-агрокластер қайта ишловчи корхоналар учун арzon ва ишончли хом-ашё базаси яратади яъни агрокластерда қатнашувчи хом-ашё етказиб берувчилар томонидан техник талаб асосида керакли маҳсулотни стандартларга кўра керакли сифатда ташқи ва ички бозорларга етказиб берилишига имкон беради;

-инфраструктура обьектлари яъни агросаноат бирлашмалари, ахборот-коммуникация тизими, замонавий омборхона ва транспорт терминалларини шакллантирилиши орқали аҳоли бандлиги таъминланади

-агрокластикларда логистик марказларини ташкил этиш билан бирга ташқи бозорларга чиқиш бўйича кенг маълумот базаси яратилади ва энг самарали маркетинг йўналишини танлаш мумкин бўлади;

-агрокластерларда инновацион ва технологик янгиликлардан тўғридан тўғри самарали фойдаланиш табиий ресурсларни оқилона сарфлашни келтириб чикаради;

-давлат томонидан маълум гуруҳ корхоналарига имтиёзлар бериш учун база яратилади;

-агрокластерлар давлат билан хусусий секторни шерикчилигини юзага келтириш орқали ҳудудларда кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик фаолиятини юксалтириш имконини беради;

-агрокластерларда инновацион янгиликларни тез амалда қўллай олиш мумкинчилиги шу ҳудуд рақобатбардошлик кўрсаткичлари ошишига замин яратади, натижада хорижий инвестицияларни жалб килиш салоҳияти ошади;

-агрокластерлар қишлоқ ҳудудларининг индустрисал ривожланишига замин яратади;

Шундай экан, қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида ривожлантириш учун жаҳон иктисодиётида ривожланган давлатлар тажрибасидан ўтган «маҳсулот етиштириш-харид қилиш-сақлаш ва қайта ишлаш-экспорт» занжирини ташкил киладиган тизим кластер тизимига ўтиш

, улар фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб, агрокластерларни ташкил этиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталариға Мурожаатномаси/2020й
2. Портер М. Clusters and the new Economics of Competition/ 1998 Harvard Business Review
3. Глотко А.В. Инновационно-кластерная развития АПК.Материалы межрегион .научно-прак. конф. с междунар. Участием «Проблемы и перспективы государственно-правового, экономического и социально развития субъектов Российской Федерации» 3-4 октября 2008 г. ,Горно-Алтайский, РИО ГАГ.-с.104
- 4 Сайдов М.Х., Абдувасиқов А.А., Мамадияров Д.У., Сайдова Д.Н. «Мамлакат иктисодиётига агрокластерларни жорий этишнинг назарий-услубий асослари» . Ўзбекистон Аграр Фани Хабарномаси /2020 йил №6(84) 20-25 бет
- 5 Муродов Ч., Ҳасанов Ш. , Муродова М. « Агрокластер:ташкил этишнинг назарий асослари» Иктисад ва Молия /2014 йил №2 19-25 бет